

Ҳиндистондаги «Макка» масжиди таъмирланмоқда



15:00 / 25.07.2019 1575

Ҳиндистондаги «Макка» масжидининг ҳашаматли аркасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ҳақда thehindu.com сайти хабар беради.

Маълумотларга кўра, таъмирлаш ишлари 8 июль кунини бошланган. «Келгуси икки ой ичида унинг барқарор ҳолатга келишини умид қилмоқдамиз», дейди «Макка» масжидининг имоми Қодир Сиддиқий. Имомнинг гапларига кўра намозхонанинг жанубий кўрфазидagi учта гумбазида таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Ишчилар яқин кунларда шимолий кўрфазда таъмирлаш ишларини давом эттиришади.

Шунингдек, «Макка» масжиди Ҳайдарободдаги муҳим сайёҳлик маскани ҳамдир. Аксар меҳмонлар улкан аркни томоша қилиб, унинг зинапояларида дам олиб қайтишади. XVII асрда бунёд этилган «Макка» масжиди ўша даврда қурилган оҳак тузилмаларидан фарқли ўлароқ, тош қопламага ҳам эга. Асаф Жаҳи даврида бунёд этилган мақбаралар кейинчалик масжид ҳисобига қўшиб юборилган.

Islom.uz портали таҳририяти